

Р.Х.Джураев
Ш.Э.Неъматов

# ДАРСЛИКЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ ВА БУГУНГИ КУНДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДАГИ ЎРНИ

Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество предыдущих
выдач

ООО «Чирчикская городская типография» Зак. 497-4000

74
Д-42

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Т.Н.ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА
ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

РИСБОЙ ХАЙДАРОВИЧ ДЖУРАЕВ
ШУҲРАТ ЭРГАШОВИЧ НЕЪМАТОВ

0198

# ДАРСЛИКЛАР ТАРИХИ ВА УЛАРНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДАГИ ЎРНИ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

Тошкент–2010

Ушбу қўлланмада маърифатпарвар зиёлилар томонидан Туркистон ўлкасида аҳолининг саводхонлигини оширишга қаратилган бир қатор янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари яратиш борасида олиб борилган саъй-ҳаракатлари, машаққатли меҳнатлари талқини ўз ифодасини топган. Шунингдек, мазкур дарсликларнинг қиёсий таҳлили ва янги авлод дарсликларини яратишда улардаги илғор ғоя-қарашлардан фойдаланиш тўғрисидаги таклифлар қўлланманинг илмий салоҳиятини оширишга хизмат қилган.

Қўлланма педагоглар, педагогик таълим йўналишлари мутахассислари, таълим назарияси ва тарихи билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир:**
педагогика фанлари доктори, профессор
**Р.Ш. Ахлидинов**

**Тақризчилар:**
педагогика фанлари доктори, профессор
**Р.Ғ. Сафарова**
педагогика фанлари доктори
**Ш.Қ. Мардонов**

# КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида”ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида”ги 1998 йил 13 майдаги 203-сонли қарори, “Узлуксиз таълим тизими учун Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 1998 йил 5 январ 5-сонли қарори талабларига мувофиқ умумий ўрта таълим тизимида туб ўзгаришлар рўй берганлиги бу жараёнда фойдаланиладиган ўқув адабиётлари ва дарсликларга ҳам янгича талаблар қўйишни тақозо этди.

«Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси»да дарсликка тегишли ўқув фанининг ҳам назарий, ҳам амалий ривожланишида ўтмишимиздаги бой интеллектуал меросимизнинг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиш талаби қўйилди.

Аждодларимизнинг педагогик мероси, улар яратган мактаб, миллий анъана ва қадриятлар, улкан халқ педагогикасининг бой тажрибасига суяниб ўқув-услубий манбаларнинг янги авлодини яратиш лозим. Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримов мамлакатимизда умумий ўрта таълим мактабларида қўлланилаётган дарсликларга алоҳида эътибор бериб: «... деярли барча соҳада дарсликларимиз аҳволи бугунги ва эртанги кун талаблари даражасида эмас. **...Эски қолипда, мустабид даврда ёзилган дарсликлардан фойдаланиб, эски мафкурадан халос бўлмасдан болаларимизни янгича фикрлашга ўргата олмаймиз, ахир»**[1], – деб таъкидлайди.

Юқоридаги фикрдан хулоса чиқарган ҳолда дарсликлар ва ўқув қўлланмаларнинг сифати, самарадорлигини оширувчи омилларни аниқлаш ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш зарур.

Дарслик сифатини таъминловчи омиллар сирасига:

- дарсликнинг мазмунан ва шаклан шахсга йўналтирилиши (А.В.Хуторский);

[1] Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1Х сессиясида сўзлаган нутқи. 1997 йил, 29 август. // Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: Шарқ, 1997, 8-б.

- дарсликни дидактик лойиҳалаш жараёнида таъриф ва қоидаларни ўқувчилар учун тушунарли тилда тақдим этиш, дарслик ҳажми, ўқувчиларда ўқиб-ўрганиш кўникмаларини мустаҳкамлаш учун бериладиган материалларнинг назарий ва амалий қисмларини аниқ чегаралашга аҳамият бериш (М.Маҳмудов);

- дарслик яратишда ўзига хос дидактик тамойилларга риоя қилиш (Д.Шодиев, Р.Сафарова, М.Рихсиева);

- дарслик воситасида илғор педагогик технологиялардан фойдаланишни назарда тутиш, унинг таълим жараёни ахборотли модули сифатида намоён бўлишига эришиш (Р.Сафарова, У.Мусаев ва б.) кабилар қайд этилган[2].

Бироқ, дарслик сифатини таъминлашнинг яна бир омили сифатида тарихийликни ҳам назарда тутиш керак. Дарслик самарадорлигини таъминлашда унинг тарихий ривожланиш йўли, ўтмиш ва бугунги кун янги авлод дарсликларини қиёсий ўрганишнинг аҳамияти беқиёсдир.

Республикамиз мустақилликни қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб таълим тизимини такомиллаштириш, жумладан, давр талабига жавоб берадиган замонавий дарсликларнинг янги авлодини яратишга алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Дарҳақиқат, умумий ўрта таълим тизимида дарсликлар ва ўқув қўлланмалари алоҳида аҳамият касб этади. Шундай экан, дарслик яратувчи муаллифлар дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишда миллийликка алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

Янги авлод дарсликлари ва ўқув-услубий қўлланмаларининг яратилиши ҳақида Ўзбекистон Республикаси президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг IX сессиясида сўзлаган маърузасида: **«Олимлар орасида дарслик ёзишга пастроқ бир илмий иш сифатида қараш иллати бор... Ахир дарсликларда миллат фикрининг, миллат тафаккури ва миллат мафкурасининг энг илғор намуналари акс этиши керак»**[3]лигини уқтирган эди.

Шу ўринда тарихга бир назар ташлайлик. XX асрнинг 17-20 йилларидан бошлаб, то 80-90 йилларигача дарсликларимиз қай

[2] М.Иноятова. Ўзбек алифбе дарсликларининг тарихий тараққиёт босқичлари ва дидактик асослари: пед. фан. номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация – Тошкент: 2006

[3] Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997, 8-б.



аҳволда яратилди? Муаллифлар дарсликлар тузишда нималарга эътибор қаратдилар? Ушбу соҳада ҳам марказлашган сиёсат устун эдими? каби саволларга жавоб бериш керак.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримов ҳақли тарзда таъкидлаганидек: «Узоқ тарихимиздан маълумки, ҳар қандай зўравон босқинчилар ва юртимизда ҳукмронлик қилмоқчи бўлган кучлар ёвуз ниятларига эришиш учун, аввало, миллий маданият ва анъаналаримизни йўқ қилиш, шу йўл билан бизни маънавий жиҳатдан заифлаштиришга, куч-қудратимизни йўқотишга ҳаракат қилганлар. Бу ҳақиқатни ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаслигимиз керак»[4].

Дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар ҳақида фикр юритар эканмиз, бугунги кунда таълим муассасаларида қўлланилаётган дарсликларни такомиллаштириш борасида қандай ишлар қилинаётганлиги ҳақида чуқурроқ ўйлаш лозим. Шу нуқтаи назардан, 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил январда қабул қилган «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакамизда мустақиллик йилларида бир қатор янги дарсликлар яратилди ва мавжудлари такомиллаштирилди. Жумладан, ўқиш, она тили, адабиёт, тарих, география, табиатшунослик фанларидан янги мазмундаги дарсликлар жорий этилди. Шу давргача умумий ўрта таълим тизимининг ўқув режасида бўлмаган Ватан туйғуси, миллий истиқлол ғояси, атрофимиздаги олам, одобнома фанларидан янги дарсликлар яратилди. Мамлакатимизда дарслик яратишнинг танлов тизими, яъни тендер жорий қилинди. Ушбу дарсликларнинг таҳлили натижалари шуни кўрсатдики, уларда ворисийликка ҳамма вақт ҳам амал қилинмаган, халқимизнинг дарслик яратиш соҳасидаги тарихий тажрибаларидан унумли фойдаланишга эътибор берилмаган, бу соҳадаги анъаналарни давом эттириш назардан четда қолган.

[4] Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997, 32-б.

Маълумки, дарсликлар тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Унинг ривожланиш тарихини ўрганиш натижалари, эрамиздан олдинги иккинчи минг йилликда дарсликларнинг дастлабки нусхалари яратила бошланганлигини кўрсатади. Археологик қазилмалар натижасида Шарқда, хусусан, Фурот ва Дажла дарёлари оралиғида яшаган қадимги халқлар сопол тахтачаларга битган матн қолдиқлари топилган. Шу топилмалар қадимда «қўлланма» ва «дарслик»лар вазифасини ўтаган. Кейинчалик бошқа Шарқ халқларида папирус ёки пергаментларга битилган қўлёзма ўқув китоблари вужудга кела бошлаган. Улар маълум бир соҳа, касбга ўргатиш учун асосий манба вазифасини ўтаган.

Дарҳақиқат, қадимда дарсликлар китоб шаклида тартиб қилинмай, улар ҳайвон терилари ва дарахт пўстлоқларига "қўлбола" ёзув қуроллари ёрдамида ёзилган.

Тарихий адабиётларда айтилишича, арифметик масалалар тўпламидан иборат биринчи дарслик арманистонлик олим Давид Енгилмас томонидан милодий VI асрда яратилган. Ушбу ноёб асарнинг бир нусхаси Ереван шаҳридаги Матенадаран (қадимги қўлёзмалар тўпланган улкан архив)да сақланмоқда. Шуни инобатга олиш керакки, педагогика ва психология фанларининг тараққиёти натижасида дарсликларнинг шакли, мазмуни ва таркибий тузилиши аста-секин ривожланиб, такомиллашиб борди.

Шу ўринда профессор К.Юсуповнинг аждодларимиз яратган маориф тизимига баҳо бериб, ўтмишда биз «эски» деб таҳқирлаб келган мактабларимизу мадрасаларимизнинг оламшумул тажрибалари борки, уларни ўрганиб, миллий мактаб тизимига жорий қилиш халқ маорифимизга янгича нуфуз ва куч-қувват бағишлайди, деган гаплари муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбек халқининг ўзига хос хусусияти, тарихий-ижтимоий, маданий-маиший аҳволи, урф-одати, анъанаси, халқ оғзаки ижоди, адабиёти ва санъати, меъморий ёдгорликлари, қолаверса, мактаб ва мадрасалардаги таълим-тарбия тизими, халқ зиёлилари томонидан яратилган китоблар, уларнинг ёзуви, тили ва дини каби дарсликлар ҳам халқнинг маънавий мулкидир. Шундай экан, халқ таълими тизимининг ўтмишдаги ҳолатини чуқур ўрганишда ўша давр дарсликлари ҳамда ўқув қўлланмалари алоҳида аҳамиятга эга.



Муаммога оид манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, республикамиз олимлари дарсликлар тарихига оид қатор тадқиқотлар олиб борганлар.

Ҳатто, собиқ Совет ҳукумати даврида ҳам маърифатпарварларнинг фаолиятини ўрганишга бағишлаб қатор илмий изланишлар амалга оширилган. Жумладан, С.Ражабовнинг «Ўзбекистонда совет мактаби тарихига доир», Э.Қодировнинг «Ўзбекистонда халқ маорифининг 40 йил ичида эришган ютуқлари» каби илмий асарлари бунга мисол бўла олади.

А.Бобохонов «Ўзбекистонда педагогик фикр тараққиёти тарихидан», Педагог олим Й.Абдуллаевнинг «Эски мактабда хат-савод ўргатиш» деб номланган илмий асарида 1902-1938 йилларда яратилган айрим дарсликлар ҳақида фикр юритилган. Тадқиқотчи М.Иноятованинг «Ўзбек алифбе дарсликларининг тарихий тараққиёт босқичлари ва дидактик асослари» мавзусидаги номзодлик диссертацияси дарсликларнинг ривожланиш тарихини ёритишга қаратилган бўлиб, унда 1902-2002 йилларда яратилган алифбе дарсликлари, уларнинг дидактик асослари илмий-педагогик жиҳатдан таҳлил қилинган.

Бугунги кунда республикамиз педагог олимлари Р.Сафарова, Д.Шодиев, М.Рихсиева кабиларнинг дарслик яратувчиларга методик ёрдам берувчи тадқиқотлари беқиёсдир. Шунингдек, Н.Тайлақов узлуксиз таълим учун информатикадан ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишнинг илмий-педагогик асосларини ёритиб берган.

Ўзбекистон мустақиллигининг илк йилларидаёқ У.Долимовнинг «Маорифимиз дарғалари» номли илмий-педагогик асарида жадид тарбияшунослик мактаби, унинг мазмун ва моҳияти тадқиқ этилган. Мазкур иш дарсликлар тарихи тўғрисида маълумотга эга бўлишда муҳимдир.

# I ҚИСМ. ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИДА ТАЪЛИМ МАЗМУНИ ВА ДАРСЛИК ЯРАТИШ СОҲАСИДАГИ ТАЖРИБАЛАР

Халқимиз маданиятининг ривожланиш тарихида педагогик фикрлар тараққиёти, жумладан, ўқув воситаларининг мазмунан ва шаклан такомиллашуви муҳим аҳамият касб этиб, уларсиз таълим-тарбия соҳасидаги маданий-маърифий ривожланишни аниқ тасаввур қилиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, "... ҳозирги вақтда дунёвий илм-фан ва технологияларни чуқур ўзлаштирмасак, фақат тарихимиз, олис аждодларимизнинг кашфиётлари билан мақтаниб, уларга маҳлиё бўлиб яшайдиган бўлсак, ана шу ноёб меросни асраб-авайлаб, янада бойитиб, унга ўз ҳиссамизни қўшмасак, замон билан ҳамқадам бўлиб юрмасак, бизнинг жаҳон майдонида муносиб ўрин эгаллашимиз қийин бўлади"[5].

Дарҳақиқат, аждодларимиз яратган тарихий обидалар, мактаб-мадрасалар, улар яратган илмий-тарихий асарлар, дарсликларга махлиё бўлиб яшайдиган бўлсак, жамиятимизда ривожланиш бўлмайди. Жумладан, маърифатпарварлар яратган дарсликлардаги матнларни ўқиб, ўрганиб, улардаги ибратли фикрларни янги авлод дарсликларида қўллашимиз лозим. Шу ўринда дарсликка таъриф беришни жоиз деб топдик. «Дарслик – ДТС, ўқув дастурлари, услубияти ва дидактик талаблари асосида белгиланган, миллий ғоялар синдирилган, муайян ўқув фанининг мавзулари тўлиқ ёритилган, тегишли фаннинг асосларини мукаммал ўзлаштирилишига қаратилган давлат нашридир.

Ҳар бир таълим турининг мақсад ва вазифаларини қамраб олган, билим олувчиларнинг ёши ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ўз дарсликлари бўлади. Одатда, дарслик ўқув фанининг номи билан юритилади. Дарсликда назарий

[5] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008, 95-б.



маълумотлардан ташқари, амалий-тажриба ва синов машқлари бўйича зарур кўрсатмалар берилади»[6].

Дарсликлар юқорида айтилганидек, юксак савияда ёзилган маънавий-ғоявий, илмий-услубий, муайян фан доирасида, у фаннинг қонун ва назарияларини ўзида умумлаштирган ўқув китобидир. Шу нуқтаи назардан, умумий ўрта таълим мактабларида фойдаланиладиган дарсликлар ўқувчининг умумий камолотида алоҳида ўрин эгаллайди.

Дарсликлар кўп йиллик педагогик, психологик изланишлар, илғор тажрибалар ҳамда жаҳон стандарти намуналари асосида тузилган бўлиши лозим. Хусусан, бошланғич синфлар учун яратилган дарсликларнинг тили содда, равон ва тушунарли, ўқувчиларнинг ёши ҳамда психологик хусусиятига мос бўлиши, нутқи ва дунёқарашининг ўсишига ёрдам бериши керак. Дарсликлардаги ҳар бир мавзу ўзидан олдинги мавзуни тўлдириб, оддийдан мураккабга томон ривожланиб бориши зарур. У ўқувчиларда одоб-ахлоқни ўргатишга хизмат қилиши, уларда она-Ватанга меҳр-муҳаббат, кишиларга ғамхўрлик, меҳрибонлик, илтифотлилик, меҳнатсеварлик, камтарлик, виждонлилик каби ижобий фазилатларни тарбиялайди.

Дарсликнинг яна бир муҳим томони шундаки, у ўқувчиларга муайян даражадаги билим, кўникма ва малакаларни сингдиришга хизмат қилади. Бошланғич синф дарсликларидаги ҳар бир шеър, масал, эртак, ҳикоялар қизиқарли бўлиб, бир мақсадга, яъни, жамиятда баркамол шахсни шакллантиришга қаратилган бўлиши зарур. Шу билан бир қаторда, улар ўқувчиларда руҳан тетиклик, ақлан комиллик, ахлоқан покликни таъминлаши лозим. Бир сўз билан айтганда, таълимнинг муҳим ўқув воситаси сифатида дарсликларнинг аҳамияти беқиёсдир.

VII асрга қадар асосан юқори табақа кишиларининг фарзандларигагина махсус таълим-тарбия берилган. Уларнинг асосий машғулотлари қурол-яроқлардан фойдаланиш, от чоптириш, камон отиш каби ҳунарларни ўрганишдан иборат бўлган. Шу билан бир қаторда, тарбияланувчиларга аҳлоқий-

[6] Тайлақов Н. Узлуксиз таълим учун информатикадан ўқув адабиётлари янги авлодини яратишнинг илмий-педагогик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005, 16-б.

эстетик билимлар берилган. Уларда кийиниш, юриш-туриш, жамоа жойида ўзини тутиш каби одоб меъёрлари сингдирилган.

VII асрда араблар Ўрта Осиёни босиб олгандан кейин дини, ёзуви, урф-одати, миллий анъаналарини тарғиб ва ташвиқ қила бошлади. Ўрта Осиё халқлари ислом дини ва араб ёзувини қабул қилди, ушбу ёзувда хат битиш ҳамда ижод қилиш кенг тарқалди. Шу муносабат билан мактабхона ва мадрасаларда асосан Қуръони Карим воситасида таълим-тарбия берилди. Ўрта Осиёда VII асрдан XX аср бошларигача яратилган тарихий, илмий, адабий-бадиий манбаларнинг ҳаммаси араб ёзувида битилди.

Ўрта Осиё ҳудудида яшаб, ижод қилган мутафаккирларнинг илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси ҳозирги кунда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунончи, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий (783-850) «Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр ва ал-муқобала» китоби билан алгебра фанининг яратилиши, ривожланишига асос солди. Рисоланинг номидаги «ал-жабр» ва «ал-муқобала» сўзлари «тўлдириш» ва «рўпара қўйиш» маъносини англатиб, ўрта аср алгебрасининг 2 та асосий амалини англатади, «ал-жабр» сўзи лотинча «алгебра» бўлиб, Хоразмий асос солган янги фаннинг номидир. Алгебраик рисола 3 қисмдан: 1) алгебраик қисм, бунинг охирида кичик бир бўлим - савдо муомаласидан боб келтирилади; 2) геометрик қисм, ўлчаш ҳақида; 3) васиятлар ҳақидаги қисм. Хоразмий уни алоҳида ном билан «Васиятлар китоби» деб атаган. У рисолада ҳеч қандай белги қўлламай, унинг асосий матн қисми сўзлар ёрдамида баён этилган, аммо ўринларда геометрик шакллар келтирилган. Ушбу рисоладан ўз даврида дарслик сифатида фойдаланилган.

Муҳаммад ибн Мусо Хоразмийнинг астраномияга оид «Китоб сурат ал-арз» (“Ернинг сурати”) номли илмий асари мавжуд бўлиб, ушбу асардан ҳам мактабхона ва мадрасаларда дарслик сифатида фойдаланилган. Унинг яна бир йирик астрономия масалалари ёритилган асари - «Зиж» (830-йилларда ёзилган) 37 боб, 116 жадвални қамраб олиб, сайёралар ҳақида маълумотлар, жуғрофий ҳудудлар узунлиги ва кенгликларини ўлчаш қоидалари, қуёш ва ой тутилиши масалаларини ёритишга қаратилган. Булардан ташқари, китобда шаҳар, тоғ, денгиз, орол ва дарёлар мисолида 2402 та жуғрофий ўринларнинг координатлари келтирилган.



Буюк астроном, математик ва географ олим Аҳмад ал-Фарғоний (тахм. 797-865)нинг «Китоб ал-ҳаракат ас-самовийя ва жавомиъ илм ан-нужум» (“Самовий ҳаракатлар ва умумий нужум илми китоби”) деб номланиб, узоқ йиллар давомида Европада дарслик вазифасини ўтаган. Ундан ташқари ал-Фарғонийнинг астраномияга оид 7 та асари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаммаси мадрасаларда дарслик сифатида қўлланилган. «Астурлоб ясаш ҳақида китоб», «Ал-Фарғоний жадваллари», «Ойнинг Ер остида ва устида бўлиш вақтларини аниқлаш ҳақида рисола», «Етти иқлимни ҳисоблаш ҳақида» каби илмий асарлари шулар жумласидандир.

Абу Наср Форобий (873-950)нинг 100 га яқин илмий-фалсафий ва педагогик асарлари мавжуд. Унинг табиий-илмий фанлар ҳақидаги қарашлари «Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи» асарида батафсил ёритилган. Унда ўрта асрда маълум бўлган 30 дан ортиқ фаннинг таърифи ва аҳамияти ёритилган. Ушбу асарда Форобий барча фанларни 5 гурухга ажратиб, айни вақтда уларнинг ички бўлинишларини ҳам таснифлайди: 1) тил ҳақидаги илм (грамматика, ёзув қоидалари, шеърият); 2) мантиқ ва унинг қисмлари; 3) математика (арифметика, геометрия, оптика, астраномия, мусиқа, оғирлик ҳақидаги илм, механика); 4) табиатшунослик ва метафизика (башорат қилиш, тиббиёт, алкимё); 5) шаҳар ҳақидаги фанлар - сиёсий илм, фиқҳ, калом (этика, педагогика).

Юқоридагиларга асосланиб таъкидлаш жоизки, Форобий ўз асарларида билимларни интеграциялаш йўлидан борган ҳамда ўз навбатида, бундай интеграция таълим олувчиларга қулайлик туғдиришини англаб етган.

Абу Наср Форобийнинг «Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола», «Фозил шаҳар аҳолисининг маслаги», «Ақл маънолари ҳақида» каби илмий-педагогик асарлари орқали таълим-тарбия муаммоларини ёритишга ҳаракат қилган ҳамда Ўрта Осиё халқлари маданияти, педагогикаси, дарсликлар яратиш тажрибасига улкан ҳисса қўшган. Форобий арифметика, геометрия, астрономия ва мусиқани тарбиявий фанлар туркумига киритади. Қайд этилган фанларнинг тарбиявий аҳамиятини уктириб: «Бу тўрт фан тарбиявий фан деб аталади, чунки улар туфайли ўқувчилар тарбияланади, улар ўқувчиларни янада

назокатлирок қилади ва уларнинг шундан кейин келадиган билимларни ўрганиши ва ўқиб олиши учун тўғри йўл кўрсатади» дея таъкидлайди. Алломанинг фикрича, табиат ҳақидаги фан «... ҳар қандай тарбиявий фандан кўра бойрок ва кенгроқ ҳажмга эгадир». Фаробий фанларнинг аҳамиятини ўзаро киёслаб: «мен фанлар ичида энг биринчи фан - тил ҳақидаги фандир... иккинчи фан - грамматика... учинчи фан - мантиқ, тўртинчи фан поэтикадир деб тасдиқлайман», - дея уқтирган эди. Демак, Форобий фанларнинг таълим тизимида тутган ўрни ва нуфузи, уларнинг шахсни ривожлантиришдаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратган. У яратган асарлар узоқ асрлар давомида таълим муассасаларида дарслик вазифасини ўтаб келган. Уларнинг аксарияти ноёб дидактик манба сифатида катта педагогик қимматга эга.

Ибн Синонинг (980-1037) «Китоб ал-қонун фит-тибб», «Китоб ун-нажот», «Китоб ул-инсоф» асарлари геометрия, астрономия, ўсимлик, хайвонот олами ва мантиққа оид илмий тадқиқотлардир. Унинг «Китоб уш-шифо» асари 22 жилддан иборат бўлиб, мантиқ, физика, математика, метофизикага доир масалаларни ўз ичига олган. Асардан мадраса ва мактабхоналарда табиий-математик фанларни ўқитишда фойдаланилган.

Абу Райҳон Берунийнинг «Таҳдид ниҳоёт ал-амония ли тасҳиди масофат ал-масоқин» ("Турар жойлар орасидаги масофани текшириш учун жойларнинг охирги чегараларини аниқлаш" - «Геодезия») (1075-1144) асарида астрономия ва жуғорфия масалалари ёритилиб, унда осмон жисмлари ҳамда жойларнинг географик жиҳатлари ҳақида таҳлилий материаллар берилган. Шунингдек, алломанинг «Масъуд қонуни» номли илмий асарида математика ва астрономия фанларига оид айрим масалалар ўз аксини топган. Мадрасаларда буюк мутафаккирнинг қайд этилган асарларидан дарслик сифатида фойдаланилган.

Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг «Қутатғу билиг» асарида саводли бўлишнинг ҳар томонлама афзаллигини уқтириб, ёшларнинг ақлий, жисмоний ва ахлоқий тарбиясига оид қимматли фикрларни илгари суриб, уларни меҳр-оқибатли, ҳалол ва билимдон бўлишга даъват этади. Жумладан, у билим олишнинг фойдасини таъкидлаб: «ўқув-идрок қоронғу тундаги машъалга



ўхшайди. Билим эса ўша машъалдан таралаётган нурга қиёс. У кишини ёритади, унга рўшнолик беради», дея уқтиради.

Аз-Замахшарий (1075-1144)нинг «Ал-Муфассал» ("Араб грамматикасига оид", 1121 й.), «Муқаддамат ул-адаб» (1137) каби асарлари сўз туркумларидан от ва феъл ҳамда боғловчиларнинг мазмуни ва моҳиятини изоҳлашга қаратилган бўлиб, улар мадрасаларда тил илмини ўқитишда қўлланилган. Унинг «Китоб ал-жибол ва-л-амкина ва-л-мийоҳ» ("Тоғлар, жойлар ва сувлар ҳақида китоб") рисоласи - география, «Асос ал-балоға» ("Нотиқлик асослари") асари - луғатшунослик, «Рабиъ ул-аброр ва нусус ул-ахйар» ("Эзгулар баҳори ва яхшилар баёни") рисоласи - адабиёт ва тарих, «Ал-Кустос фи-л-аруз» ("Арузда ўлчов (мезон)") асари - адабиёт назариясига оид бўлиб, ушбу китоблар ҳам дарслик сифатида алоҳида қимматга эга.

Кайковуснинг «Қобуснома» асари (форсчадан Муҳаммад Ризо Огаҳий таржимаси) (тўлдирилган 2-нашри) 44 бобдан иборат бўлиб, 34-боби «Нужум (юлдузлар) ва ҳандаса (геометрия) илми зикрида» деб номланади, ушбу бобда коинот сирлари, геометрик илмлар ўргатилгани учун ундан мадрасаларда дарслик сифатида фойдаланилган.

Мазкур асарнинг педагогика фанида тутган ўрнини алоҳида қайд этиш лозимдир. Зеро, ундан ёшларни тарбиялашда устоз ва ота-оналар асрлар давомида фойдаланиб келмоқдалар.

Буюк ўзбек мутафаккири Алишер Навоий (1441-1501) мориф соҳасига алоҳида эътибор қаратган бўлиб, мактабларда диний ҳамда дунёвий илмларни биргаликда ўқитишни таклиф қилган. Бу жараённи ўзи назоратга олган. Унинг ғазал, рубоий ва достонларида инсон гўзаллиги, чиройли хулқ-одоби, камтарлиги ва хуштакаллумлиги улуғланди. Унинг асарларида кишиларнинг ахлоқий ва ақлий тарбиясини таъминлашга қаратилган ҳаётбахш ғоялар ўз инъикосини топган бўлиб, мактабхона ва мадрасаларда XX асрнинг бошларига қадар (Алишер Навоийнинг шеърий асарлари) дарслик ўрнида қўлланиб келинган.

XV-XVI асрларда ҳам мадрасаларда дунёвий таълим-тарбия бирмунча ривожланган. Бу даврда мактабларда араб тилидан ташқари, эрон тиллари ҳам ўқитилган. Ўша даврда фиқҳ асослари (ҳуқуқ), ҳадис илми, араб тили, фалакиёт (астраномия), табобат илмларининг ўқитилишига катта аҳамият берилган. Мадраса-

ларда араб тилининг йирик мутахассиси Жамолиддин Абу Амр Усмон ибн Умар ал-Ҳожиб (1175-1249) томонидан ёзилган «Ал Кофия-наҳв» ("Синтаксис") ва «Аш-Шофиа-сарф» ("Морфология") дарсликлари араб тилини ўрганишда ягона қўлланма ҳисобланган.

Машҳур тарихчи, шарқшунос В.В.Бартольд «Улуғбек ва унинг даври» деб номланган илмий асарида мадрасаларда диний билимларгина эмас, балки дунёвий фанлар, айниқса, астрономия кенг ўқитилганлигини маълум қилади. Улуғбек илм-фан соҳасини ривожлантириш билан бир қаторда, халқни саводли бўлишга даъват этган. Улуғбек даврида мактабхона ва мадрасаларда математика ва астрономия илми ривожланган, расадхона барпо этилган.

Юқорида келтирилган илмий далиллар билан биргаликда шуни таъкидлаш керакки, ибн Сино, Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Райҳон Беруний каби мутафаккирлар билан бир қаторда, Фирдавсий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Имом Исмоил ал-Бухорий, Мирзо Бобур, Саъдий Шерозийлар ўз асарларида туркий халқларнинг маънавияти, урф-одат ва анъаналари, ёшлар тарбиясига оид қарашлари, билимга интилишни улуғлаш, ахлоқсизликни қоралаш, ватанпарварлик, дўстлик, инсонпарварликни қадрлаш тўғрисида қимматли фикрларини баён қилганлар. Уларнинг илмий асарларидан ўз даврида мактаб ва мадрасаларда бола тарбияси, ёш авлодга билим бериш, уларнинг дунёқарашларини кенгайтиришда фойдаланилган. Мутафаккирларнинг мазкур асарлари Туркистон таълим тизимининг ривожланишига улкан ҳисса бўлиб қўшилди.

XII-XIII асрларга келиб Туркистон мактабхона ва мадрасаларида ўқув режа ва дастурлар асосида таълим берила бошланган. Дарсликлар эса қадимги IX-X асрлардаги билимларни акс эттирган.

Тарихий адабиётларда ёзилишича, XVII-XVIII асрларда мактаб-маориф соҳасида айрим ўзгаришлар амалга оширилган.

Мадраса талабалари уч босқичда ўқишган. Босқичларнинг биридан иккинчисига ўтиш учун синов-имтиҳон олинмаган, балки маълум дарсликлар ўзлаштириб бўлинганидан сўнг бошқаларига ўтилаверган.



Мадрасаларда тўлиқ курсни ўқиб тамомлаш учун талабалардан фалсафа ва ҳуқуқ фанларига оид тахминан 137 дарслик-қўлланмани ўзлаштириш талаб қилинган. Зеро, мактабхона ва мадрасаларда дарслар араб ва форс тилларида олиб борилган.

Қўқон хонлиги тасарруфидаги мадрасаларда «Илми фароиз», «Тақсим илми» каби геометрия ва арифметикага оид дарсликлардан фойдаланилган.

Ўғил болаларникидан фарқли равишда қизлар мактабхоналарида мумтоз шоирлар ижодини ўрганишга кўпроқ эътибор қаратилган. Шунингдек, уларда қизлар тарбиясининг ўзига хос жиҳатлари, чунончи, уй-рўзғор тутиш, пазандалик, покизалик, шарқона одоб-ахлоқ кабиларга ўргатувчи Алий Назимонинг «Таълими банот», Олимат ул-Банотнинг «Муошарат одоби», Фахриддин ибн Ризоуддиннинг "Оила", «Тарбияли хотун» каби дарсликларидан фойдаланилган.

Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олингач, сиёсий-ижтимоий соҳаларда бўлгани каби, таълим тизимида ҳам айрим ўзгаришлар амалга оширилди. Ўлканинг ер усти ва ер ости бойликлари руслар томонидан ўзлаштирилди, Туркистон халқининг маънавий-маданий меросини ўрганувчи шарқшунос олимлар ўлканинг тарихи ва маънавий-маданий тараққиётини ёрита бошладилар. Ўлка ерли халқини русчадан «саводли қилиш", янги иқтисодий савдо-сотиқ тузилмасига мос "мирзо"ларни етиштириш, мустамлакачиларнинг болаларига билим бериш мақсадида **1865-1870** йиллардан бошлаб рус-тузем мактаблари, гимназиялар очилиб, уларга мос дарслик ва қўлланмалар яратилди.

1917 йилдан бошлаб, мактабхона ва мадрасаларда рус тили ҳам ўқитила бошланди. Шу йили Туркистон ҳудудида рус тилида ўқитиладиган мактаблар сони 160 тага етди.

Мусулмон мактабларида ўзбек тилининг грамматик қурилишига оид маълумотлар берилмаган. Домла ва отинойилар болалар ёши, руҳий хусусиятлари ва таълим-тарбия талабларини назарда тутувчи махсус дарсликлар тузишга эътибор қилишмаган. Мактабхона ва мадрасаларда «Ҳафтияк», «Чор китоб», «Сўфи Оллоёр», «Тажвид», «Фарзи айн», «Қуръон» сура ва оятлари, «Девони Фузулий», «Девони Бедил», «Девони Амир

Навоий» каби китоб ва шеърий тўпламлар ўқитилган. Бу ҳақда жадид маърифатпарварлари А.Авлоний, М.Беҳбудий, Ҳ.Муин, Мунавварқори Абдурашидхоновлар ушбу ўқитилажак асарларнинг болалар ёшига мос эмаслиги, уларнинг руҳий дунёсига зид эканлигини таъкидлайдилар, шунинг учун мактабхоналардаги дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳамда таълим-тарбия тизимини зудлик билан ислоҳ қилиш лозим деб ҳисоблайдилар. 1905 йилда маърифатпарварларнинг ҳаракатлари ўз натижасини берди. Шу йилдан кейингина мактабхоналарнинг таълим тизими бир қадар ислоҳ қилинди.

Ўзбекистон Давлат Архиви материаллари таҳлилининг кўрсатишича, 1902-1935 йиллар давомида яратилган дарсликлар, ҳукуматнинг таълим тизими ислоҳотига оид бир қатор фармойиш ва қарорлари матбуотда мунтазам эълон қилиб борилган.

«ВКП(б) Марказий Комитетининг 1930 йил 25 июль фармойишига биноан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети республикада 1930-1931 ўқув йилидан бошлаб умумий мажбурий бошланғич таълимни жорий қилиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу тадбир республикадаги мактаб-маориф ишининг кейинги тараққиёт йўлини белгилаб берди. Ўзбекистон компартияси V съездида ЎзССР Марказий Ижроия комитети ва Халқ Комиссарлари совети томонидан 1930 йил 15 сентябрда қабул қилинган «Республикада болалар ва ўсмирлар умумий мажбурий бошланғич таълимини жорий этиш тўғрисида»ги қарори тасдиқланди. ЎзССР Халқ Комиссарлари совети ҳузурида умумий мажбурий бошланғич таълим ишига раҳбарлик қилувчи махсус республика комитети тузилди.

Бундан ташқари, 1933 йил февралда ВКП(б) Марказий Комитети «Бошланғич ва ўрта мактабларнинг дарсликлари ҳақида» қарор қабул қилди. Ушбу қарорда мактаблар учун дарсликлар чоп этиш ишини тезлаштириш лозимлиги таъкидланади.

Юқорида қайд этилган ҳужжатлар, ўтмишда мактаб ва мадрасаларда амалда бўлган таълим мазмуни ва ўқув воситаларини ўрганиш натижаларининг кўрсатишича:

1) асосан мутафаккирлар, донишмандлар томонидан яратилган илмий ҳамда бадиий асарлардан мактаб ва мадрасаларда дарслик сифатида фойдаланилган;



2) мазкур манбаларда турли соҳалардаги билимлар асосан интеграциялаштирилган ҳолда баён этилган;

3) мактаб ва мадрасаларда барқарор ўқув режалари асосида қатъийлаштирилган таълим мазмуни мавжуд бўлмаган;

4) мактаб ва мадрасалардаги таълим мазмуни ва ўқув воситалари асосан ўқувчилар, толиблар, мударрисларнинг ҳоҳишлари ва ихтиёрий танловлари асосида белгиланган;

5) мактаб ва мадрасаларда муайян таълим тизими ва дарсликларнинг мавжуд бўлмаганлиги, мутолаа усулининг устуворлиги ўқувчи ҳамда талабалар ёзма саводхонлигининг секин ривожланиши, улар ўрганадиган билимларнинг даврлар ўтиши билан эскиришига олиб келган. Уларнинг барчаси таълим тизимида муайян таълим мазмуни ва барқарор дарсликларга бўлган эҳтиёжни кучайтирган;

6) Ўрта Осиёнинг Россия таркибига мажбуран киритилиши ўлка таълим тизимида айрим ўзгаришларнинг амалга оширилишига замин яратган. Хусусан, ўлкада таълим муассасаларининг янги шакли рус-тузем мактаблари ва гимназиялар вужудга келган. Гарчи уларда аввало чор Россиясининг мустамлакачилик манфаатлари назарда тутилган бўлса-да, тараққийпарвар рус зиёлилари томонидан яратилган дарслик ва қўлланмалар таълим тизимига янгилик олиб кирган;

7) жадид мактабларида амалда бўлган, миллат зиёлилари томонидан яратилган дарслик, ўқув қўлланмалари эса ёшларда миллатпарварлик, маданий-маърифий меросни ардоқлаш, миллий урф-одат ва анъанага риоя этиш, ўзбек тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш каби фазилатларни таркиб топтиришга хизмат қилган.

Педагог олим Й.Абдуллаевнинг ёзишича, рус-тузем мактаблари икки: русча ва ўзбекча синфларга бўлинган. Рус-тузем мактабларидаги ўзбек тилида ўқитиладиган синфларининг пешқадам муаллимлари 1900 йиллардан бошлаб, ўз дарсликларида товуш усулида тузилган татарча алифбе китобидан фойдаланганлар, лекин ушбу китобнинг тили ва мазмуни ўзбек тилида ўқийдиган болаларга тўғри келмас эди. Ушбу камчиликларни ҳисобга олиб, кейинчалик Туркистонда ҳам товуш усулида ўзбекча алифбе дарсликлари ёзилди.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI
0198

XX асрнинг бошларида маориф соҳасига жуда кам маблағ ажратилган. Бунинг сабаби маблағ Россия молия вазирлиги томонидан тақсимланарди. Биргина 1915 йилда Туркистон ўлкаси умумий бюжетининг 2,3 фоизи маориф соҳасига ажратилган бўлса, 86,1 фоизи полиция ва ҳарбий маҳкама ишларига сарф қилинган.

1919-20 йилларда янги типдаги совет мактабларида дарсликлар ва ўқув қўлланмаларига катта эҳтиёж мавжуд эди. Ушбу муҳтожликни нисбатан қондириш мақсадида шу даврда ўзбек тилида «Бошланғич география» ўқув қўлланмаси, «Туркистон» (тарих ва географияни ўқитиш учун қўлланма), арифметика дарслиги, Қори Ниёзийнинг «Табиатнинг бир бўлаги» (табиатшуносликни ўқитиш учун қўлланма), шунингдек, алифболар ва ўқиш китоблари ҳам чоп этилди.

Мазкур рўйхатни ўрганиш асосидаги хулосамиз шундан иборатки, дарсликлар ва методик қўлланмалар яратиш тажрибаси XX аср бошларида рус ва хорижий муаллифлардан ўрганиш натижасида бир қадар ривожланган.

Маърифатпарварлар диний ва дунёвий илмлар орасидаги номутаносибликни барҳам топтириш мақсадида, янгича усулдаги миллий мактаблар яратиш учун курашдилар. Кундалик турмушда янгиликларни жорий қилишга мойиллик, уларни атрофлича муҳокама қилишга интилиш кучайди. Туркистон ўлкасида жонланиш, маданий ҳаракат, миллий уйғониш томон силжиш юз берди. Бу тараққиётнинг асосий негизи мактабдан бошланди. Маърифатпарварлар мактаб-маориф соҳасида кескин бурилиш ясашга киришдилар. Ўқитишнинг ёдлатиш усули рад этилди, унинг ўрнига ҳарф-товуш усули жорий қилинди. Савод чиқариш фавқулодда тезлашди, ўқув дастурлари ва дарсликлар тузилди.

Туркистонда дарсликлар масаласи нафақат Халқ Маориф комиссарлиги, балки Республика ички ишлар комиссарлиги назоратида ҳам бўлган. Туркистон Республикаси ички ишлар комиссарлигининг 1923 йил 20 январдаги йиғилишида айрим минтақалар, жумладан, Амударёда (Тўрткўл, Чимбой, Шўрхон) ўқитувчилар ва ўзбек тилидаги дарсликларнинг мавжуд эмаслиги муҳокама этилган.

Халқ Маориф комиссарлиги ва Бош нашриёт ўртасида 1926 йил 25 мартда тахминан 400 минг рублга шартнома тузилган.



AXBOROT RESURS MARKAZI

Ўзбекистон Давлат нашриёти мактабларни дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва Ўрта Осиё хариталари билан таъминлаш мажбуриятини олган. Ўзбекистон Бош Нашриётига бўнак пули ҳар чоракда тўлаб борилиши лозим эди, бироқ Ўзбекистон Давлат нашриётига тўланган маблағнинг аниқ миқдорини маълумотлар йўқлиги боис билишнинг иложи бўлмади. Халқ Молия Назоратининг Молиявий назорат бошқармасидаги текширув қоғозларида, 1925-1926 ўқув йиллари учун Ўзбекистон Бош нашриётига 213728 руб. 18 тийин миқдорда маблағ кўчирилганлиги қайд этилган. Ўзбекистон Бош нашриётининг бухгалтерия ҳисоботида ХМК (Халқ Маорифи комиссарлиги) томонидан ўша йил учун 271591 руб. 18 тийин келиб тушганлиги кўрсатиб ўтилган.

Юқоридаги ҳужжатдан Ўзбекистон Бош нашриёти томонидан олинган маблағни қоплаш учун қанча миқдорда буюртма бажарилганини аниқлай олмадик. Шартномада 1926 йил 1 декабргача қатъий ҳисоб-китоб амалга оширилиши лозимлиги таъкидланган бўлсада, 1925-1926 ўқув йиллари учун ХМКнинг нашр режаси, молиявий сметаси, нашриётлар томонидан бажарилган режа, ХМК шартномасининг бажарилиши, дарсликларнинг белгиланган манзилга етиб борган ёки бормаганлиги аниқланмаган.

Ўзбекистон Бош нашриёти томонидан манзилларга дарсликларни жўнатиш тўғрисидаги фактуралар ХМКнинг молия бўлими томонидан қабул қилиб олинган бўлса-да, қайта ишлаб чиқилмаган, текширилмаган ҳамда Ўзбекистон Бош нашриётининг рақамлари билан солиштирилмаган.

Шу сабабли кутубхоналар, китоб омборларида дарслик ва қўлланмалар қаровсиз қолиб кетган, мактабларга тарқатилмаган. Ўзбекистон Давлат нашриётининг китоб магазини омборида 1925 йил 5 январда ўзбек, уйғур тилларида 39800 та дарслик (23830 р.), жумладан, андижонлик муаллим Ҳусайнхон Ниёзийнинг 3900 дона «Физика ва химия» (1922 й.) ва Ш.Раҳимийнинг 1200 дона «Совға» дарслиги мавжуд бўлган.

1925 йилнинг охирида ЎзССР Халқ Маорифи комиссарлигининг текширувларига кўра, 1925-26 ўқув йилида қишлоқлардаги ўзбек мактаблари атиги 50 фоизга (1926 йил январь) дарслик билан таъминланган эди, татар тилидаги дарсликлар бирмунча қониқарли даражада нашр этилган бўлиб, ўқувчилардан олинган

маблағ эвазига РСФСР нашриёти томонидан рус мактаблари учун дарсликлар ҳам етарли миқдорда нашр қилинган эди.

Кузатишларимиз натижасида 1926-27 ўқув йилида мактабларни дарслик билан таъминлаш иши ёмон аҳволда бўлганлиги аён бўлди. 1927 йилнинг апрелида мактабларни замонавий дарсликлар билан таъминлаш иши ўзбек мактабларида 70-80 фоизни ташкил этган. 1-босқич рус мактаблари 1926-27 ўқув йилида дарсликлар билан биринчи марта Халқ Маорифи комиссарлиги томонидан 25 фоизга бепул таъминланган.

1925-26 ўқув йилида Ўзбекистоннинг чекка мактабларида ўзбек тилидаги дарсликлар жуда кам бўлган, айрим мактабларга бир ўқув фани бўйича битта дарслик ажратилиб, у ҳам ўқитувчидагина бўларди. Шу ўқув йилида Ўзбекистонда 8-16 ёшли ўғил болалар - 553673 нафар бўлса, қизлар - 466525 нафар, жами ўқувчилар миқдори -1020198 нафарни ташкил этган.

Юқоридагиларга асосланиб, қишлоқ мактабларида дарсликлар танқис бўлганининг сабабларини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

1) керакли дарсликларга ўз вақтида буюртма берилмаган;

2) дарсликлар сотиб олиш учун маҳаллий бюджет маблағлари етишмаган;

3) худудий халқ таълими бошқармалари китоб тақсимотига бефарқ муносабатда бўлган;

4) мактаблар марказдан олисда жойлашганлиги туфайли, алоқа хизмати яхши йўлга қўйилмаган.

1925-26 ўқув йилида дарсликлар танқислигининг олдини олиш мақсадида Бухорода Ўзбек Давлат нашриётининг бўлимини очиш тўғрисида Халқ Маорифи комиссарлигининг буйруғи чиқди. Шу тариқа Бухоро ҳамда унинг атрофидаги вилоятларда дарслик ва ўқув қўлланмалар танқислигининг бир оз олди олинди.

Архив ҳужжатларида ЎзССРда 1926 йилнинг 1 январида дарсликлар сони 222 мингтага етганлиги, 1926-27 ўқув йилида мактабларнинг 80 фоизи дарсликлар билан таъминланганлиги қайд этилган.

Октябрь тўнтаришидан кейин кўпгина тарихий қадриятларимиз каби мактабхона ва мадрасалар вайрон қилинди, дарслик ва ўқув қўлланмалари билан бирга нодир адабиётларнинг ҳам кули



кўкка совурилди. Биргина мисол, 1926 йил Бухородаги «Мулло Эрназар» мадрасасини Ўзбек давлат кино агентлигига бериш тўғрисида ҳукуматнинг қарори чиққан. Мадрасадаги кутубхона фонди ёқиб юборилган, аждодлар мероси топталган.

Дарсликларга бўлган эҳтиёж ўлканинг турли ҳудудларида бирдек кузатилади. 1928-29 ўқув йилида Андижон ва Қўқон вилоятларидаги мактабларда дарслик ва ўқув қўлланмалари етишмаган. Комиссарлик мудири ўқув қўлланмаларини ўз ҳисобидан сотиб олгани учун 40 фоиз мактаблар ярим ўқув йилида рус тили дарсликларисиз дарс машғулотларини ўтказган. Вилоят Халқ маорифи ташкилотининг дарсликка буюртмаси кечиккани туфайли ўқувчилар тожик, қозоқ, уйғур тилларидан бир ойдан ортиқ вақт давомида дарсликларсиз ўқиганлар.

Ўзбекистон Давлат архиви материаллари асосида XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Туркистонда қўлланилган илмий-педагогик, методик асарлар, дарсликларнинг назарий асосларини ўрганиш 1902-1930 йилларда методик жиҳатдан дарсликка қўйиладиган талабларга жавоб берадиган илк ҳақиқий дарслик нусхаларини яратишга интилишнинг кучли бўлганлиги, Ўзбекистон худудида рус, татар ва бошқа миллатларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиб яратилган янги дасликлар, таржима адабиётлари вужудга келганини кўрсатди. Октябрь тўнтариши туфайли дарсликларнинг табиий тарихий такомили кучли мафкуравий тазйиққа учраганлиги, мамлакатда давом этган иқтисодий етишмовчилик мактабларнинг дарсликлар билан таъминлашга салбий таъсир қилганлигини кўрсатди. Лекин барча кўрсатилган камчиликларга қарамай, мактабларнинг дарсликлар билан таъминланишига бирмунча эътибор берилганлиги, Халқ Маорифи комиссарлигининг қатор йиғилишларида ушбу масала муҳокама қилинганлиги маълум бўлди.

# II ҚИСМ. ЎТМИШДА ДАРСЛИК ЯРАТИШДА ТАЯНИЛГАН ТАМОЙИЛЛАР

Мустақиллик шарофати билан бизга маънавий меросимиз, тарихимизни ўрганишимизга кенг йўл очилди. Зеро, келажакда мустақил Ўзбекистон тараққиётини таъминлайдиган баркамол ёшларни тарбиялашда ўтмишда яратилган маънавий-педагогик мероснинг аҳамияти жуда катта. Маърифатпарвар М.Беҳбудий: «Мозий истиқболнинг тарозусидур, ҳар ким ўлчасунда билсун» деб тарихни ўрганиш заруриятини таъкидлаган эди.

Маърифатпарварларнинг дарсликларида дўстлик, эзгулик мадҳ этилади. Аксарият дарсликлардаги ҳикоялар ўзаро мантиқан боғланган бўлиб, бири иккинчисини тўлдириб боради. Дарсликлардан ўқув материали сифатида халқ мақоллари ҳам ўрин олган.

Танланган ўқув материаллари мазмуни ва жойлаштирилиш тартибига кўра дарсликлар, улардаги матнларнинг ғоявий-тарбиявий мазмуни ўхшаш: танланган дидактик матнлар мазмун ва шаклига кўра шарқона, миллий руҳга эга. Дарсликлардаги ўқув материаллари панд-насиҳат, матал, ҳикоят, эртак кабилардан иборат дидактик матн шаклида берилган. Ўқув материали таркибида ўқувчиларда шакллантирилиши зарур бўлган ижобий фазилатларга таъриф берилган бўлиб, уларда гўзал ахлоқ эгаси бўлган инсоннинг жамиятдаги мавқеи қай даражада юксак бўлиши лозимлиги ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, дарсликларга ўқув материаллари танлашда ўқувчининг ёши, билим даражаси ҳисобга олинган.

Таҳлиллар асосида дарсликларда берилган ўқув материаллари қуйидаги дидактик тамойиллар асосида танланганлиги аниқланди:

- **онглилик ва фаоллик** асосий дидактик тамойил сифатида дарсликларга ўқув материалларини танлашга асос бўлган. Таълим жараёнида онглилик ва фаоллик ўқув материали мазмунидаги тушунча, ғоя ҳамда далилларни таҳлил қилиш, солиштириш, қиёслаш, умумлаштириш, хулосалаш шаклида тақдим этилган бўлиб, у ўқувчиларда мантиқий фикрлашни ривожлантиришга қаратилган. Бунда дарсликдаги савол ва топшириқлар қисқа,



ихчам, шогирдлар учун тушунарли бўлиши, шунингдек, жавоб ҳам шунга мос қисқа бўлиб, фикр аниқ ифодаланишига эришилган;

- **ўқув материалларининг тушунарлилик тамойилига** таянилган ҳолда баён этилиши ҳам муҳим педагогик аҳамиятга эга. Дарслик муаллифлари буни ўша даврдаёқ тўғри англаб етганлар. Маърифатпарварлар таълимни ўқувчи ёши ва дунёқарашига мос тарзда енгиллатиш мақсадида дарсликда баён этилган ўқув материалларининг тушунарли бўлишига алоҳида аҳамият қаратдилар. Буни дарсликларнинг нашрдан-нашрга тил жиҳатдан мукаммаллашиб борганлигида ҳам кўриш мумкин;

- дарсликларда берилган ўқув материалларида **назария билан амалиёт, яъни назарий маълумотлар билан амалий топшириқлар узвий боғлиқ** тарзда берилган. Масалан, Элбекнинг «Ўрнак» дарслигининг ҳар уч қисмида назарий маълумотлар амалий топшириқлар билан ўзаро уйғун ҳолда тақдим этилган;

- дарсликларда ўқув материаллари **илмийлик, тизимлилик, изчиллик ва тадрижийлик** асосида баён этилган;

- ўқув материаллари баёнида **кўрсатмалиликка** алоҳида аҳамият берилган. Баъзи муаллифлар ўз дарсликларини расмли, безакли қилиб чоп эттиришга ҳаракат қилганлар. Масалан, М.Расулийнинг «Болалар боғчаси» китобида ва Ҳ.Ҳ.Ниёзийнинг аксарият дарсликларида кўргазмалиликка алоҳида аҳамият берилган. Чунки кўргазмалилик асосида ўқувчиларнинг тасаввури, дунёқараши жадал ривожланишини маърифатпарварлар тўғри англаб етганлар;

- дарсликларда тақдим этилган ўқув материалларида **пухталик** ва **мустаҳкамлик** тамойилига катта эътибор берилган. Унда далилларнинг аниқлиги, илмий жиҳатдан текширилганлигига диққат қаратилган. Бироқ ҳамма вақт ҳам муаллифлар ўқув материаллари танлашга пухта эриша олганлар деб бўлмайди. Жумладан, М.Беҳбудийнинг «Китоби мунтахаби жўғрофияи умумий» номли дарслигида «Марсда одам яшайди ва уларнинг билими биздан зўр, дурбин билан қаралса, дарёларнинг сувлари кўринади» каби нотўғри, ноилмий қарашлар баён этилган ўқув материаллари берилган.

Маърифатпарварлар яратган дарсликларда илм ва устозларни ардоқлаш ғояларининг устуворлиги, ижобий ахлоқий сифатларнинг улуғланиши яққол кўринади. Дарсликларда мавзулар сўнгида қиссадан-ҳисса тарзидаги ғоявий-мантиқий хулосалар ва халқ мақоллари берилиб, улардаги барча шеър, қисса, ҳикоя ва эртаклар ўқувчиларнинг ёшига мосдир. Уларда мавзуларнинг ўқувчи онгига тез етиб бориши ва дизайннинг сифатли чиқиши учун болаларбоп расмлар берилган (масалан, мактаб, ўқув қуроллари, уй ҳайвонлари ва ҳоказолар). Булардан ташқари дарслик материаллари мазмунида Ватанимизнинг бой манзараси, меҳнат жараёни, унда ўқувчининг иштироки ўз аксини топган.

Маърифатпарвар педагогларнинг дарсликлари, уларни яратишда таянилган дидактик тамойилларни ўрганиш жараёнида уларнинг бир қадар содда ва равон тилда ёзилганлиги, дарсликларнинг ўқувчилар ёши ва психологик хусусиятларига тўғри келиши, уларга миллий ғоя ва мафкуранинг сингдирилганлиги, ўқувчиларни миллий-маънавий қадриятларни эгаллашга ундайдиган ўқув материалларининг мавжудлиги эътиборга молик.

Бугунги кунга келиб шу нарса илмий жиҳатдан аниқландики, ҳозирги давр дарсликларининг янги авлодини яратишда маърифатпарварлар томонидан яратилган илғор педагогик меросдан ижодий фойдаланиш зарур. Жумладан, сукротона савол-жавоб, қиссадан-ҳисса, панд-насиҳат усулларига таянган ҳолда ўқув материалларини тақдим этиш натижасида ўқувчиларнинг мустақил, мантиқий фикрлаши, ҳозиржавоблик кўникмалари ривожланади, дунёқараши кенгаяди.



# III-ҚИСМ. ЯНГИ АВЛОД ДАРСЛИКЛАРИНИНГ ДИДАКТИК АСОСЛАРИ

Ҳозирга кунда республикамиз мактабларини компьютер воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қолаверса, ҳар бир хонадонда компьютер воситалари мавжуд, улар интернет тизимига уланган. Шундай экан, бугунги ёш авлод, ҳаттоки, бошланғич синф ўқувчилари ҳам, компьютердан фойдаланиш йўлларини яхши билади.

Маълумки, бугунги кунда дарсликларнинг электрон версиялари ҳам яратилмоқда. Ўқувчилар билан ишлашда электрон дарсликларнинг аҳамияти жуда катта. Бироқ, кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, бундай дарсликлардан кўпроқ мустақил ишлаш соатларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда компьютерлаштириш, аудиовизуал ва бошқа таълим воситалари ўқув-билув жараёнида ҳақиқатдан ҳам янгилик бўлган бўлса-да, дарсликлар яна кўп вақтларга қадар энг кенг тарқалган ва, шубҳасиз, самарадор ҳамда асосий таълим воситаси бўлиб қолади. Амалий шаклига кўра босма нашрлар ўзгармаган бўлса ҳам, унинг таълим жараёнидаги ўрни ва аҳамияти салмоқли даражада тараққий этди. Шуни инобатга олиш керакки, дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмалари берадиган билим ва кўникмаларни бошқа ҳеч қандай восита орқали ўқувчилар онгига сингдириб бўлмайди.

Дарслик ҳамиша ўзида муайян машқ ва топшириқларни жамловчи, билимларни узатувчи восита сифатида намоён бўлиб, маданий-ижтимоий қадриятларни тарқатувчи вазифаларини бажаради.

Ҳозирги кунда умумий ўрта таълим мактаблари учун тузилган дарсликлар замонавий эҳтиёжларга ҳам жавоб бериши билан бир қаторда, давр талаби билан ҳамнафас бўлиши лозим. Жумладан, дарсликлар ўқувчиларда мустақил ишлаш фаолиятига оид кўникмаларни шакллантириши, уларнинг эркин, ижодий фикрлашларини ривожлантириши, таълимнинг турли хил методикаларини тақдим этиши, олинган билимларни кундалик амалиётга тадбиқ эта олиши керак.

Мазкур қўлланмада биз умумий ўрта таълим мактаблари учун дарсликлар яратиш ёки уларни таҳлил этиш муаммоси билан бевосита шуғулланадиган муаллифлар, мутахассислар ҳамда педагогларга турли мамлакатларнинг таълим сиёсати, шунингдек, уларни педагогика фанининг сўнгги ютуқлари билан таништириш мақсадида, энг зарур йўналишларни тақдим эта оладиган муайян методикани ҳавола этмоқчимиз. Назарда тутилган методика – биринчи навбатда, мактаб дарсликларининг концептуал асосларини аниқлашга қаратилади. Албатта, концептуал асосларни таҳлил этиш бевосита дарсликлар тузиш ва уларни таҳлил қилиш билан боғлиқдир. Мазкур жиҳат сезиларли даражада мактаб дарсликларига оид тор муаммолар доирасидан чиқиб, кўплаб тушунчаларни такомиллаштиришга имкон берувчи, янада кенг қамровли таълим жараёни ва ўқитиш муаммолари билан боғланади.

Ҳар қандай таълим тизимининг асосий вазифаси, унинг муайян мақсадга қаратилган кўрсатмаларни амалга оширишга эришишидадир. Мақсадга қаратилган кўрсатма эса, асосий тамойилларни белгилашдан иборат бўлиб, у орқали жамият, ундаги ижтимоий гуруҳлар ўз қадриятларини қарор топтирадилар ва жорий этадилар. Бу ўз навбатида таълим ва унинг йўналишига хос марказий чизиқни белгилаб беради.

Дарслик таълим тизимининг мақсадга қаратилган кўрсатмаларига икки хил даражада мувофиқ келиши лозим:

- мақсадли (йўналтирилган) даражада: у мақсадга қартилган кўрсатмаларга бевосита жавоб бера олиши зарур. Масалан, агар ўқувчиларда мустақил тафаккурни шакллантириш таълим дастурининг асосий мақсади сифатида эътироф этилган бўлса, демак, дарсликда мустақил тафаккурни ривожлантиришга қаратилган машқлар тақдим этилиши лозим. Шунингдек, агар атроф-оламни муҳофаза қилиш жамият учун олий қадрият ҳисобланар ва бу таълимда ўз ифодасини топар экан, дарслик ҳам педагоглар фаолиятини ушбу жабҳага йўналтириши зарур;
- қадриятли даражада: дарсликнинг барча унсурларида – ўқиш учун берилган матнлар, иллюстрациялар ва ролли вазиятларни танлаш кабиларда мазкур қадриятлар тизими – назарда тутилиши лозим.



Қадриятли даража ўқувчи шахсини шакллантиришда мақсадли даража билан бир хилда катта аҳамиятга эгадир.

Француз педагоглари томонидан ўтказилган тадқиқотларда, қатор ривожланган давлатлар бошланғич мактабларининг иккинчи синфлари учун тузилган дарсликларда шахсий ва шахслараро қадриятларга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунда бошқа барча қадриятлар, хусусан, ватанпарварлик ёки диний қадриятлар, гарчи таълим тизимида бирдек тенг ҳуқуқли мақсадга қаратилган кўрсатмалар таркибига кирса-да, иккинчи даражага ўтмоқда.

Бундай дарсликлар баркамол шахсни шакллантиришга хизмат қилади. Уларда шахсга хос хусусиятлар ва бошқалар билан мулоқотга кириша билиш кўникмалари биринчи даражага ўтиб, диний, ватанпарварлик тавсифидаги қадриятлар иккинчи даражага сурилади. Келтирилган мисол мазкур ёндашувнинг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақидаги муаммодан ташқари, яна бир масалани – таълим тизимининг мақсадга қаратилган кўрсатмаларини мактаб дарсликларига сингдириш услублари муаммосини кўндаланг қилиб қўймоқда. Бизнингча, бунга дарслик муаллифлари ва дарслик таҳлилини амалга оширувчилар бирдек алоҳида эътибор қаратишлари зарур.

Гарчи бугунги кунда мақсадга қаратилган кўрсатмаларни ҳисобга олиш лозимлигини барча эътироф этса-да, мактаб амалиётида бу ҳар доим ҳам назарда тутилавермайди. Бунинг асосий сабабларидан бири, педагогик атамаларни тушуниш ва талқин этишга ягона ёндашувнинг йўқлигида бўлса керак.

Узоқ йиллик педагогик кузатишлар ва тадқиқотчилик тажрибаларимизнинг кўрсатишича, ушбу соҳада кўпгина қарама-қаршилик ва атамашуносликка оид чалкашликлар мавжуд. Хусусан, асосий ва умумий, операцион ва техник ёки махсус мақсадларнинг чекланганлиги бундай зиддиятлар ва қарама-қаршиликлар сирасига киради.

Батафсил изоҳларга даъво қилмаган ҳолда, ушбу ҳолатни тушунтириш учун иккита уч ўлчовли моделни таклиф этамиз.

Биринчи модель нисбатан содда бўлиб, турли муаллифларда педагогик мақсадлар бир-бирига боғлиқ ҳамда анъанавий таълимнинг мавжудлигига кўра классик категорияларга асос-

ланади. Булар: мақсаднинг мазмуни, унинг шакллантирилиши, шажаравий даражаси кабилардан иборат.

Иккинчи модель нисбатан мураккаб ҳисобланиб, биринчисини тўлдиради, лекин унинг ўрнини боса олмайди. Унда интеграция категорияси амал қилади, ушбу категория эса шажаравий даража категориясининг ўрнини эгаллайди, натижада модел тавсифи янада умумийлик касб этади.

Масалан, мумтоз модель. Ушбу моделда мақсаднинг турли типлари уч категорияга бўлинади:

- мазмун категорияси (ёки унинг табиатига хос хусусият): мазкур категорияда мақсадга қаратилган билимларнинг тури ҳисобга олинади. Одатда муаллифлар таълим жараёнининг қўзғатувчи, когнитив ҳамда фаолиятли турига мансублигига кўра мақсад хусусиятларининг уч турини кўрсатадилар. Демак, мақсаднинг қуйидаги уч тури мавжуд:

- қўзғатувчи мазмунга эга бўлган мақсадлар: бундай мақсад типлари хулқий малакаларни эгаллашга йўналтирилади;
- когнитив мазмундаги мақсадлар: мазкур мақсад тури асосан когнитив тавсифдаги малакаларни эгаллашга қаратилади;
- фаолиятли мазмунга эга бўлган мақсадлар: бундай мақсад тури имитацион ёки фаолият малакаларини эгаллашга йўналтирилади.

Мазкур тасниф кўплаб эътирозларга сабаб бўлиши, танқидга учраши ҳам мумкин: мақсад ҳеч қачон буткул фаолиятли, қўзғатувчи ёки когнитив турга мансуб бўлмайди. Масалан, велосипед ҳайдашни билиш фақатгина фаолият мақсадига қаратилмайди. У айни дамда когнитив малакаларни ҳам талаб этади: вазиятлар таҳлил қилинади, керакли хулосалар чиқарилади. Бунда қўзғатувчи мақсадга эга бўлиш зарур. Хусусан, муайян мустақиллик даражасига эга бўлиш, "икки ғилдирак устида" мувозанатни сақлаб ўтириш лозим. Демак, ушбу ўринда «фаолиятли мазмунга эга бўлган» мақсадлар ҳақида фикр юритилса янада тўғрироқ бўлади.

Бундан ташқари шакллантирувчи мақсадлар ҳам мавжуд бўлиб, улар қай тарзда шакллантирилганлигига кўра икки турга бўлинади:

- операцион шакллантириш: бу турли текширувчи томонларнинг материални ўзлаштириш даражасини бир хилда



баҳолашлари билан характерланади. Уларнинг ҳар бири мақсаднинг шакллантирилишидан бевосита материалнинг ўзлаштирилганлигини тўғри баҳолаш учун барча зарур мезонларни топа оладилар. Масалан, мақсад: «берилган бешта ўсимлик ичидан илдизи ва япроқлари борларини ажратинг»;

- умумий шакллантириш: у материалнинг ўзлаштирилганлигини баҳолашда бир хилликка йўл қўймайди. Чунки мақсад шундай шакллантириладики, умумий белгиларига кўра турли текширувчилар турли унсурларга кўра уни назорат қиладилар, бунда улар ўз ёндашувларини асослай оладилар. Масалан, мақсад: «ўз мамлакати тарихини билиш»дан иборат бўлса, бир вақтнинг ўзида:

- кейинги 100 йил давомида ўтган 10 нафар таниқли сиёсий арбобни санаб бера олиш;
- 5 та муҳим тарихий воқеаларни хронологик тартибда қўйиб бера олиш;
- таклиф этилган 10 та тарихий воқеалар ичидан иқтисодий аҳамият касб этганини ажратиб кўрсата олиш;
- турли тарихий даврларга хос умумий элементларни аниқлаб бера олиш кабилар талаб қилинади.

Мазкур мезон абсалют (мутлақ) тавсифга эга: муайян мақсад ҳамиша унга мос махсус тавсифномага эга бўлади, агар мақсаднинг шакллантирилиши операцион тавсифга эга бўлмаса, у ҳолда у умумий характерга эга ёки аксинча шундай хусусиятга эга эмас. Таъкидлаш жоизки, мақсаднинг ушбу жиҳати унинг шаклланишига ҳам бевосита тааллуқлидир. Мақсаднинг шакллапнишига қўйилган талаблар кейинчалик ўқувчилар томонидан ушбу мақсадга эришиш ва материални ўзлаштиришга таъсир кўрсатади.

Инсон оламни билишга интилишдан ҳеч қачон тўхтамайди. Унинг муайян вақт чегарасида эгаллаган билимлари муайян мақсадлар шаклида намоён бўлиб, таълим олишни давом эттириш имконини беради. Бундай спиралсимон (ўрама) ривожланиш муайян босқичларга мос ҳолда кечади: бир қанча мақсадларга эришиш таълимнинг муайян қисмини туғаллаш сифатида қабул қилиниши мумкин. Тугал когнитив мазмундаги мақсад, масалан, «устунчаларга» ажратишдан иборат бўлиши мумкин. Бундай мақсадга эришиш учун ўқувчилар муайян оралиқ

мақсадларга эришиб борадилар. «Устунчаларга» ажратиш учун улар санаш ва кўпайтириш жадвалини ўрганадилар ва ҳ.к.

Шундай қилиб, даражасига кўра мақсадларнинг икки тури ўзаро фарқланади:

▪ охирги даража: таълим жараёни сўнгида эришиладиган мақсад;

▪ оралиқ даража: бундай мақсадга эришиш мунтазам тарзда сўнгги мақсадга эришишда зарурий шарт-шароитни юзага келтиради.

Табиийки, бундай таҳлилий фарқлашлар нисбий мазмунга эга. Ҳар қандай мақсад фақатгина муайян таълим босқичи учунгина тугал, сўнггиси бўлиб ҳисобланади. Масалан, юқорида биз қайд этган «устунчаларга» ажратиш сўнгги мақсад сифатида келтирилган бўлса-да, янги шароитда, хусусан, мақсад масалани ечишга қаратилса, у оралиқ мақсадга айланиши мумкин.

Шундай қилиб, бирорта мақсад буткул сўнггиси ёки аксинча оралиқдагиси бўла олмайди, Ҳаттоки, «ўқув жараёни»га нисбатан ҳам бирор мақсадни сўнгги деб қараб бўлмайди, чунки билиш жараёни чексиздир.

Мазкур модель қайси мезонга тегишлилигига кўра мақсаднинг бир неча турини аниқлаш имконини беради. Улар қуйидагилар:

- кўзғатувчи, умумий ва сўнгги мақсад: бошқаларни ҳурмат қилиш;

- кўзғатувчи, умумий ва оралиқ мақсад: ён-атрофидагиларнинг фикрини ҳисобга олиш одатини ўзлаштириш;

- кўзғатувчи, операцион ва сўнгги мақсад: саломлашишга одатланиш;

- кўзғатувчи, операцион ва оралиқ мақсад: мактабга кириб келишда ўқитувчилар билан саломлашишга одатланиш;

- когнитив, умумий ва сўнгги мақсад: гапни бўлакларга бўла олиш; - когнитив, умумий ва оралиқ мақсад: гапни эга ва кесимга ажратиш;

- когнитив, операцион, умумий ва сўнгги мақсад: эга ва кесимга хос вазифалар гуруҳини аниқлаш;

- когнитив, операцион ва оралиқ мақсад: гап эгаларини ажратиш;



- фаолиятли, умумий ва сўнгги мақсад: геометрик шаклларни ясаш;

- фаолиятли, умумий ва оралиқ мақсад: чизиқлар чизиш;

- фаолиятли, операцион ва сўнгги мақсад: бурчаклар воситасида квадратлар ясаш;

- фаолиятли, операцион ва оралиқ мақсад: бурчаклар ёрдамида тўғри бурчак ясаш.

Яна бир мисол, интегратив модель. Мазкур модел олдинги моделни янада аниқлаштирган ҳолда, унинг икки ўлчами: когнитив ёки фаолиятли мазмунга эга бўлган мақсаднинг мазмуни (табиати) ва умумий ёки операцион мазмунга эга бўлган шакллантирилишини ўзида сақлайди.

Учинчи параметр шажаравий даража ушбу ўринда интегративлик тушунчаси билан алмаштирилади. Мазкур параметр педагогик мақсадларни интеграциянинг юқори ёки қуйи босқичига тааллуқлилигини ҳисобга олгани ҳолда педагогик мақсадларни таснифлаш имконини беради. Шу тарзда мақсадларнинг қуйидаги хусусиятларга эга бўлган турлари юзага келади:

• юқори интегративлик: бу педагогик мақсад бўлиб, унга эришиш илгари ўзлаштирилган қатор билимларни ўзаро уйғунлаштиришни талаб қилади;

• қуйи интегративлик: бу алоҳида тушунчаларни ўзлаштиришга оид мақсадлар билан боғлиқ бўлиб, ўтган таълим жараёнлари билан мантиқий боғланмайди ёки муайян вазиятга киришишни талаб қилмайди.

Келтирилган турларни қатъий ва ўзгармас қоида сифатида қабул қилиш керак эмас: интегративлик икки чегара оралиғида турлича хусусиятларга эга бўлиши мумкин.

«Шажаравий даража» мезонидан фарқли ўлароқ интегративлик мезони мутлақ (абсалют) хусусиятга эга: ҳар қандай аниқ бир контекст ва даражага кўра унга мувофиқ мақсаднинг интегративлик даражаси турлича бўлиши мумкин.

Ушбу мезоннинг татбиқ этилиши мавжуд уч мезон ўртасидаги ўзаро таъсирни ҳисобга олган ҳолда аввалги моделни кенгайтириш имконини беради. Аслида, интегративлик даражаси қанчалик юқори бўлса, у кўзғатувчи, когнетив ёки фаолиятли мазмунига кўра шунчалик чуқурроқ мазмунга эга бўлади, бу эса

операцион шакллантирилишининг қабул қилинишига ҳалал бермайди. Қиёсан, дарслик муаллифлари мақсаднинг қайси мазмунли жиҳатига кўпроқ эътибор беришса, унинг операцион жиҳати янада яхшироқ шакллантирилиши лозим.

Оддий услубий машқлардан кўра таълим жараёни мақсадларининг шундай изчил таҳлил қилиниши анча муҳим аҳамият касб этади. Бундай ишнинг мақсади муаллиф ва дарсликни таҳлил қилувчилар учун мактаб дарсликларида барча мақсадлар мажмуаси ҳақида тўлиқроқ тасаввурга эга бўлиш имкониятини вужудга келтириш имконини таъминлайди. Масалан:

- дарсликда фақат когнетив мақсадларгина мавжудми ёки кўзғатувчи фаолиятли мақсадлар ҳам ифодаланганми?
- мактаб таълимида кенг тарқалган қадриятлар тизимига мос мақсадлар ифодаланганми?
- мақсадларнинг шажаравийлигига риоя қилинганми ҳамда тузилмавий ишланиш мавжудми?
- мақсад етарлича аниқ қўйилганми, агар шундай бўлса, уларга эришишни назорат қилиш учун операцион шакллантириш мавжудми?
- ниҳоят, дарсликда барча мақсадлар бир-биридан ажратилган ҳолда ифодаланган таълим концепцияси ўз ифодасини топганми ёки аксинча дарслик мураккаб мавзу ва мақсадларни тобора изчил интеграциялаштиришга асосланган таълимнинг хусусий моделини тақдим этмоқдами?

Бундай масалалар мактаб дарслиги концепцияси ва таҳлилини аниқлашга қаратилганлиги учун ҳам жуда муҳимдир.

Хулоса қилиб айтганда, материални ўзлаштириш – бу қуйидаги жиҳатларни қабул қилишга тайёр туриш демакдир:

- фаолиятнинг муайян тури: имитацион, когнетив, фаолиятли, хулқий малакалар;
- муайян объектга нисбатан: ягона тушунча, синф, муносабат, тузилма.

Ўқитиш объектига нисбатан фаолият турини қабул қилишни билдирувчи таълим жараёни атамаларини аниқлаш – бу қўйилган педагогик мақсадни аниқлаш демакдир.

Мактаб дарслигида қуйидаги педагогик мақсадлар ифодаланиши мумкин:



- кўзғатувчи, когнетив ёки фаолиятли мазмунга эга бўлган мақсадлар;
- кучлироқ, лекин аксинча тузилмали шаклга эга бўлиш;
- юқори ёки қуйи интегративлик даражасининг назарда тутилиши.

**Дарсликда тақдим этилган ўқув жараёнининг методологик босқичлари.**

Айниқса, ўқитиш объектини ўзлаштиришга оид 4 асосий педагогик босқич ва унга мос фаолият турлари маълум:

- тасаввур;
- ривожланиш;
- қабул қилиш;
- интеграция.

Ушбу уч асосий босқичларнинг ҳар бири ўқитиш жараёни концепциясига боғлиқ ҳолда турлича шаклларни қабул қилади. Ўқитиш тизимига оид концепцияни ишлаб чиқувчиларнинг тасаввурларига кўра ягона дарсликда турли шакллар ўз ифодасини топади. Бунда тезлаштирувчи ёндашув муҳим аҳамиятга эга. Бу жараён яширин шаклда намоён бўлиб, мазкур ёндашув кейинги таълим олиш учун ўзига хос узоқ муддатли ҳимоя қўрғонини тайёрлаш мақсадини назарда тутади. У ўқувчиларга ўқув жараёни сўнгида қандай билим даражасига эга бўлиши ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Ўқув жараёнига қизиқишни уйғотиш ёки кучайтиришга қаратилиб, турли шаклларда ифодаланади (амалиёт ва назарий тафаккур билан ўзаро уйғунлаштиришга қаратилган саволлар, кичик тарихий ҳикоялар).

Мотивациянинг ички ва ташқи тури мавжуд. Ички мотивация индивидуумнинг бевосита қизиқишларига мувофиқ келса, ташқи мотивация эса муайян дарсликнинг жозибасини қўллаб-қувватлаш ва унга жалб этиш билан чегараланади: материалнинг қулай ва диққатни тортадиган қилиб жойлаштирилиши, кутилмаган «совғалар» ёки қизиқишни жалб этишнинг бошқа усуллари кабилар.

Дарсликларда ўқувчиларни билимларни ўзлаштиришга йўлловчи топшириқлар ҳам мавжуд бўлиб, ушбу топшириқлар муайян тавсифномага жавоб бера олиши лозим:

- у етарли даражада мураккаб бўлиб, ўзида ўқувчиларни нотаниш тузилмалардан фойдаланишга йўлловчи янги вазиятни ифодалаши лозим. Шунингдек, у айни вақтда ўқувчиларнинг кучи ва имкониятига мос бўлиши керак ёки яна ҳам аниқроқ қилиб айтилса, улардаги мавжуд билимларни янада кенгайтириши лозим;

- ўқув вазияти имкониятидан келиб чиқиб, топшириқ ўқувчига яқин бўлган масалалар ёки унинг шахсий муаммолари асосида белгиланиши лозим;

- у ўқувчиларни таълимнинг асосий мақсадга элтувчи йўлга йўналтириши керак;

- топшириқнинг шакли эса ихчам бўлиб, мақсад ва унга эришишнинг йўллари аниқ баён қилиниши зарур.

Дарсликлардаги матнлар, расмлар, чизмалар, схема кабилар йўлловчи ҳужжатлар таркибига киради. Одатда у икки ўлчовли бўлиб, енгил амалга ошади. Ҳужжатнинг ифода шакли қоғоз бўлиши ҳам шарт бўлмайди, у диапозитив, компьютер ёки телевизор экрани бўлиши мумкин. Шунингдек, тавсифномасига эга бўлган овозли ҳужжатлар ҳам мавжуд.

Дарсликларда ўқувчиларни билимларни ўзлаштиришга тайёрлаш машқлари ҳам мавжуд. Улар ўқувчилардаги мавжуд билимлар билан янги материал ўртасидаги алоқани юзага келтириш имконини берувчи илк машқлардир.

Шу билан бир қаторда, таълим-тарбия жараёнида шундай кўчма машғулотларлар ҳам ташкил этиладики, унда савдо корхоналари, турли фирмалар, музейлар, хунармандчилик устахоналари, касалхона, шаҳар кутубхоналари кабиларга саёҳат уюштириш назарда тутилади. Саёҳатнинг мақсади турлича бўлиши мумкин. Улар илмий ахборотларни йиғиш, корхонанинг ташкилий ишлари билан танишиш, кузатишнинг турли методларини тушуниб олиш кабилар. Дарслик эса ушбу саёҳатнинг моҳиятини ўзида тўлиқ акс эттира олмайди. Лекин у ахборотлар тайёрлаш ва ўтказишга оид маълумотларни ифодалаши мумкин.

Дарсликларнинг таълим-тарбия жараёнидаги ўрнини оддий расм шаклида кўрсатамиз.






Юқоридаги расмдан кўриниб турибдики, ўқув машғулотларини ташкил этишда дарслик асосий ўринни эгаллайди. Чунки, ўқитувчи-мураббийлар ҳам, ўқувчилар ҳам ўзлари учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни биринчи навбатда дарсликдан оладилар. Шундай экан, ҳозирги замон янги авлод дарсликларига бир қатор талаблар қўйилади. Профессор Р.Ғ.Сафарова мазкур талабларни қуйидагича белгилайди:

- дарсликдаги ўқув материали мазмунига қўйиладиган талаблар;
- дарсликка қўйиладиган дидактик талаблар;
- дарсликка қўйиладиган методик талаблар;
- дарсликнинг полиграфик ҳолатига қўйиладиган талаблар.

Бундан ташқари, ҳар бир дарсликнинг ўзига хос мақсад ва вазифалари мавжуд. Масалан, бошланғич синфларнинг “Ўқиш китоби” дарслигини олайлик. У ўқувчиларда ўқиш кўникма ва малакаси, матн юзасидан иш олиб бориш ҳамда нутқ кўникмаларини ўргатади. Ушбу дарслик Алифбе дарслигининг бевосита давоми ҳамда уни тўлдирувчи ва бойитувчиси ҳисобланади. Таълим олувчилар Алифбе дарслигидан ўрганган ҳарфлар воситасида сўзлар тузадилар, кичик-кичик (атиги бир неча сўзлардан иборат) матнларни ўқий бошлайдилар. “Ўқиш китоби» дарслиги билан ишлаш жараёнида эса улар, матнларни мустақил ўқий бошлайдилар, шеърлар ёд оладилар. Шу тариқа ўқувчиларда билим, кўникма ва малакалар бойиб боради. Бундай ўқувчилар ҳар жиҳатдан ҳам руҳий, ҳам қалбан дунёни, ўзлигини тўлиқ англай олади, мустақил ва эркин фикрлайди ҳамда ҳаққоний хулоса чиқара олади.

Бошланғич синфларнинг ҳар бир дарслиги орасида изчиллик бўлиши, ўқув материалларининг аста-секин мураккаблашиб бориши, юқори синф адабиётлари билан узвий боғлиқ бўлиши ҳамда муайян истиқболи назарда тутилиши лозим.

## ХУЛОСА

Халқимизнинг бой маънавий-маърифий, тарихий-педагогик мероси битмас-туганмас манба сифатида кўплаб илмий изланишларга йўл очмоқда. Ўтмишда ўзбек халқининг зиёли қатлами томонидан яратилган манбалар каби кўплаб дарслик ва қўлланмалар ҳам муҳим педагогик тадқиқотларнинг объекти бўлишга арзигулик таълимий қадриятдир. Ушбу қадриятнинг ўзига хос педагогик жиҳатларини таҳлил қилиш, уларнинг ҳозирги кун амалиётига татбиқ этиш мумкин бўлган ҳаётбахш жиҳатларини ўрганиш ҳамда бугунги ва келажак авлодларга етказиш, дарсликлар яратиш йўлида хизмат қилаётган ўқитувчи ва методистларга умумлашган бой педагогик тажрибалардан унумли фойдаланиш йўлларини кўрсатиб бериш алоҳида илмий-амалий қимматга эга. Ўтмишда яратилган дарсликлар мисолида бебаҳо педагогик-дидактик қадриятларни аниқлаган холда, уларни яратишда асос бўлган ижтимоий-педагогик эҳтиёжлар даражаси таҳлил қилинди. Дарсликларни ўрганиш асосида миллий таълим тизимимизнинг ривожланиш динамикаси, тараққиёт босқичлари, ютуқ ва камчиликларини бугунги авлод онгига сингдириш, эътиборга лойиқ тажрибаларни ўзлаштириш имконияти вужудга келди. Мавжуд илмий-тарихий манбалар ҳамда архив материалларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларига келиб Туркистонда туркий (ҳозирги ўзбек) тилидаги дарсликларни яратиш учун ижтимоий-сиёсий ҳамда педагогик эҳтиёж вужудга келди. Бу эҳтиёж ўлка аҳолиси саводхонлигини ошириш орқали миллий уйғониш жараёнини тезлаштириш зарурияти билан изоҳланар эди. Биринчидан, ўлка халқини саводхон қилиш ва миллий онгини уйғотиш, иккинчи томондан, руслаштириш сиёсати натижаси сифатида кўплаб турли типдаги мактаблар очилиб, ушбу ўқув муассасаларини дарсликлар билан таъминлаш ҳаракати кенг авж олди. Мактабларнинг дарсликларга бўлган жуда катта эҳтиёжини жадаллик билан қондириш зарурияти туфайли дарсликлар яратиш ва уларни чоп эттириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Туркий халқларни ғоявий-маърифий қурол – таълим-тарбия воситасида руслаштириш сиёсатини амалга ошириш мақсадида рус миллатига мансуб



давлат вакиллари мактабларни дарсликлар билан таъминлаш ҳаракатига раҳбарлик қила бошладилар. Ўзбек маърифатпарварлари янги мактаблар очиш, дарсликлар яратиш ҳаракатида фаол иштирок этибгина қолмасдан, ўз маблағлари ҳисобидан уларни чоп эттирдилар.

Умумий ўрта таълим тизимида дарсликлар ва ўқув қўлланмалари алоҳида аҳамият касб этади. Шундай экан, дарслик яратувчи муаллифлар дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишда миллийликка алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

Дарсликнинг муҳим жиҳати шундаки, у ўқувчиларга муайян даражадаги билим, кўникма ва малакаларни сингдиришга хизмат қилади. Бошланғич синф дарсликларидаги ҳар бир шеър, масал, эртак, ҳикоялар қизиқарли бўлиб, бир мақсадга, яъни, жамиятда баркамол шахсни шакллантиришга қаратилган бўлиши зарур. Шу билан бир қаторда, улар ўқувчиларда руҳан тетиклик, ақлан комиллик, ахлоқан покликни таъминлаши лозим. Бир сўз билан айтганда, таълимнинг муҳим ўқув воситаси сифатида дарсликларнинг аҳамияти беқиёсдир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


1. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 64 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 68 б.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
4. Абдуллаев Й. Эски мактабда хат-савод ўргатиш. – Тошкент: Ўрта ва Олий мактаб, 1960. – 150 б.
5. Абдуллаев Й. Абдулла Авлоний дарсликлари // Бошланғич таълим. – Тошкент, 1993. -№7-8.–Б. 18-22.
6. Абдурашидхонов М. Адиби аввал: Дарслик. – 10-таъби. –Тошкент: Ғуломҳасан Орифжонов тошбосмахонаси, 1917. – 48 б.
7. Авлоний А. Адабиёт ёхуд шеърлар: Ифодаи махсус. – 1-жуз, 1-таъб. – Тошкент: В.М.Ильин тошбосмахонаси, 1909. – 87 б.
8. Авлоний А. Биринчи муаллим: Дарслик. – Тошкент: В.М.Ильин тошбосмахонаси, 1913. – 44 б.
9. Авлоний А. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 160 б.
10. Ализода Саид Ризо. Биринчи йил: Туркистон ибтидоий мактабларининг 1-синфи учун дарслик. – Самарқанд: Зарафшон кутубхонаси, 1917.–96 б.
11. Архангельский Н., Дикторова Н. Етти йиллик мактабда она тилининг усули таълим ва тарбия проғраммаси. – Тошкент: Туркистон Давлат нашриёти, 1922. –Б. 12.
12. Архив материаллари (Фонд №Р-34. Опись №1. Дело №407 О работе Ташкентского гороно. 2 декабр 1920 г.; Фонд №Р-34. Опись №1. Дело №471 О работе географической предмедной комиссии. Март 1920 г. ; Фонд №Р-34. Опись №1. Дело №906 О деятельности естественно-исторической комиссии при отделе наркомпроса. Март 1921 г. 32 лист.; Фонд №Р-34. Опись №1. Дело №734 О предметных комиссиях при школьно-инструкторском отделе наркомпроса. Г.Ташкент. 14 лист.; Фонд №Р-95. Опись №1. Дело №3508 О работе центральной комиссий по введению всеобщего начального обучения на территории УзССР. Доклад на заседании коллегии Наркомпроаса УзССР от 20 ноября 1926 г. 286-288 лист. ; Фонд





№Р-34. Опись №1. Дело №1181 О распределении запасов учебников и учебных пособий. Протокол № 28 заседания коллегии наркомпроса. 18 декабр 1921 г. 30 оборотных листах. ; Фонд №Р-34. Опись №1. Дело №1336 Отношение НКП в управления снабжения НКП об отправке учебников по отделам Нар. Обр. по местам. 31 декабря 1923 г. 45 лист.; Фонд №Р-34. Опись №1. Дело №1336 Отношение наркомпроса в Турко... о зпготовке на 1923-24 учебный год учебнўй пособий. 20 июн 1923 г. 224 лист.; Фонд №Р-94. Опись №1. Дело №98 Списки учебников и учебных пособия на узбекском языке. 1925 г. 18 лист.; Фонд №Р-34. Опись №1. Дело №172 Об организации склада учебников. Август 1919 г. 294-295 лист.; Фонд №Р-34. Опись №1. Дело №53 Протоколь заседания Ташкентского совета народного образования об… уроков в школах 17 сентября 1918 г. 35-36 оборотных листах.; Фонд №Р-34. Опись №1. Дело №240 О положении школьных дел в областях роль пед советов программа на предметам и оплата уч. Труда. Г.Ташкент. 1919 г. 21-26 лист.; Фонд № 1. Опись №1. Дело №392 О введениивсеобщего начального обучения в УзССР. 5 июл 1926 г. 246-393 лист.; Фонд №Р-94. Опись №1. Дело №491 О порядке существования старо-методных школ. Постановления ЦИК Советов и СНК. 142-143 лист.; Фонд №Р-95. Опись №1. Дело №3508 Об итогах 1926-27 учебного года. Материалы Наркомпроса УзССР за 1927 г. 73-99 обородных листях.; Фонд №Р-837. Опись №3. Дело №502 Сети старо-методных школ карихана и медресе за 1926-27 г. 69 обородных листях.; Фонд № 837. Опись №5. Дело №105 О старо-методных школах. Бухарский округ. Март 1928 г. 43 лист.; Фонд № 34. Опись №1. Дело №53 Таблица недельных часов в школе II ступени. Г.Ташкент. 17 ноября 1918 г. 35-36 оборотных листях.; Фонд №Р-94. Опись №1. Дело №650 Учебный план средней школы №1 Зарафшанский обл. 1926 г. 115 лист.; Фонд №Р-94. Опись №1. Дело №252 О реформе старо-методных школ и карихана. 1926 г. УзССР. 23-28 лист.; Фонд № 34. Опись №1. Дело №38 Об обязательном цикле предметов в начальном и средней школах. Г.Ташкент. 27 август 1918 г. 7-8 лист.; Фонд №Р-94. Опись №5. Дело №1675 О преподавании географии новом

учебном году. 1935 г. 21-26 лист.; Фонд № 34. Опись №1. Дело №2051 Списки учебников для общеобразовательных школ. 1923 г. 26 лист.; Фонд №34. Опись №1. Дело №407 О составлении учебников на национальных языках народов живующих на территории Турк.респуб. Г.Ташкент. 13 декабр. 115-лист.; Фонд № 34. Опись №1. Дело №1603 Об отпуске средств на приобретение учебников для национальных меньшинств №14 Протокола №54 заседания Коллегии Наркомпроса от 9 октября 1922 г. Г.Ташкент. 17-лист.; Фонд №Р-786. Опись №1. Дело №16 О распределении учебных пособий. 13 март 1920 г. 35-36 лист.; Фонд № 34. Опись №1. Дело №2111 Об издании учебников-протоколы, доклады, планы. 1924 г. ТАССР. Все дело.; Фонд № 34. Опись №1. Дело №2346 Об издании учебника географии на узбекским языка. 1925 г. ТАССР. 58 лист.; Фонд №Р-94. Опись №5. Дело №166 Учебники для школ I-II-й ступени и техникумов. 1926г. УзССР. 15-33 лист.; Фонд №Р-94. Опись №1. Дело №750 Список учебников и прочих литератур необходимых для обеспечения таджикских школ и культпросветительных учреждений УзССР. 1927-28 гг. 44-45лист.; Фонд №Р-837. Опись №5. Дело №500 О приобретении для школ учебников, учебных пособий и словарей. Март-декабр 1928 г. УзССР. Все дело.; Фонд №Р-94. Опись №5. Дело №184 О системе снабжения школ учебниками 1929-30 гг. УзССР. 15-16 лист.; Фонд №Р-94. Опись №5. Дело №341 Список учебников для узбекских и казакских групп I-ой ступени. 1929-30 гг. Конимех. 41-43 лист.; Фонд № 34. Опись №1. Дело №34 Об обеспечении школ республики новыми учебниками. 25 март 1919 г. Г.Ташкент. 12 лист).
13. Бендриков К.Е. Очерки истории народного образования в Туркестане.- М.: АПН РСФСР, 1960. –С. 569.
14. Маорифимиз қандай ҳолда // Қизил Ўзбекистон. –№172. 1925 йил 14 июль.
15. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 192 б.
16. Остроумов Н. Что делать с новометодными матабами? // Туркестанские ведомости, 1909, -№1.
17. Расулий М. Болалар боғчаси. Дарслик. – Тошент: Азия, 1917. – 48 б.



18. Раҳимий Ш. Совға. Расмли алифбо: Дарслик. –Тошкент: Туркистон, 1921. – 60 б.
19. Раҳимий Ш. Маориф ишларидан бир шингил // Туркистон. 1924 йил 7 ноябрь.
20. Раҳимий Ш. Болалар совғаси: Жонли товушлар учун тузилган усул ва қўлланма. – Тошкент: Ўздавнашр, 1929. – 45 б.
21. Рустамбек ибн Юсуфбек. Таълими аввал: Дарслик. -2-қисм. – Тошкент: Ғуломҳасан Орифжонов тошбосмахонаси, 1914. – 44 б.
22. Саидазизий С. Устоди аввал. – Тошкент: Мерос, 1992. – 72 б.
23. Тайлақов Н. Узлуксиз таълим учун информатикадан ўқув адабиётлари янги авлодни яратишнинг илмий-педагогик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. – 160 б.
24. Ушинский К.Д. Собрание сочинений: Т.6.: Родное слово. Книга для детей год первый и второй. Родное слово. Книга для учащихся. - Изд. Академ. Пед.Наук, 1949. – 448 с.
25. Шодиев Д., Сафарова Р., Рихсиева М. Умумий ўрта таълим мактаблари дарсликларини текшириш ва баҳолаш мезонлари. Дарсликларни экспертизадан ўтказувчилар учун қўлланма. – Тошкент: ЎзПФИТИ, 2001.– 14 б.
26. Шодиев Д. Дарслик яратиш методологияси. – Тошкент: Т.Н.Қори Ниёзий номли ЎзПФИТИ, 1994. – 21 б.
27. Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида» қарори // Таълим тараққиёти. –Тошкент: 1998. -№1. –Б. 77-81.
28. Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.1.Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида / Тузувчилар: Қ.Содиқов, Р.Шамсутдинов, П.Равшанов ва бошқ.; Таҳрир ҳайъати: А.Азизхўжаев (раис) ва бошқ. –Тошкент: Шарқ, 2000. – 464 б.
29. Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2.Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида / Тузувчилар: М.Жўраев, Р.Нуруллин, С.Камолов ва бошқ.; Таҳрир ҳайъати: А.Азизхўжаев (раис) ва бошқ. –Тошкент: Шарқ, 2000. – 688 б.

*Қайд учун*



# МУНДАРИЖА

Кириш ........................................................................................................3

**I ҚИСМ.**
Шарқ халқлари тарихида таълим мазмуни ва дарслик яратиш соҳасидаги тажрибалар.....................................................8

**II ҚИСМ.**
**Ўтмишда дарслик яратишда таянилган тамойиллар** ..................22

**III ҚИСМ.**
**Янги авлод дарсликларининг дидактик асослари**.......................25

Хулоса .......................................................................................................36

**Фойдаланилган адабиётлар** ......................................................38

Босишга 25.03.2010 йил рухсат этилди. Бичими 60x84 $^{1/16}$.
«Таймс» гарнитура. Офсет босма усули. Босма табоқ 2,75.
Адади 400 нусха. Буюртма №346.

"Сано-Стандарт" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Широқ кўчаси, 100-уй.